



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (13.729)

Баҳоси эркин нарҳда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИГА ИШОНЧНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Утган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди, суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди, маъмурий судлар ташкил этилди, шунингдек, судьялик лавозимига мўддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий этилди.

Барча тоифадаги суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётининг кенгайтирилганлиги аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очикилигини ошириш йўлида кўрилган муҳим чора бўлди.

Шу билан бирга, суд ҳокимияти органлари фаолиятининг таҳлили улар зис-

масига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўққонлик қилган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қоникорсиз даражада ташкил этилганлиги суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётган ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пайсизлигига олиб келмоқда.

Судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими суд ҳокимиятининг алоҳида даврга ва бўғисига, судьялар мустақиллиги принципларига мувофиқ эмаслиги касбий ўсишни янада рағбатлантиришга тўққонлик қилиб, кадрлар кўнимсизлигига олиб келмоқда.

Одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЖАҲОН БАНКИ ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИНING "БИЗНЕС ЮРИТИШ" ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РЕЙТИНГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритиш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқаруви ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг қўлама ва самарадорлиги нафақат мамлакатимиздаги инвестицион фаолликнинг ортиси билан, балки нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан берилаётган муносиб баҳо билан ҳам ўз исботини топмоқда.

Хусусан, сўнгги 5 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини 2 баравардан ортқ яхшилаш, мамлакатимиз жаҳоннинг 190 та мамлакатини орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, сўнгги ҳисоботда

мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислохотчи мамлакатларнинг биринчи ўнликидан жой олди.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартлар талабларига ханузгача тўлиқ жавоб бермайди. Айрим давлат органлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида эълон қилинган ислохотларнинг амалдаги ижросини етарли даражада таъминламапти.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фаолиятининг аниқ мувофиқлаштириб борилмаслиги, шунингдек, улар раҳбарлари жавобгарлигининг паст даражадалиги сабабли айрим соҳаларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалиётда рўйбга чиқариш устувор вазифалар ва ислохотларнинг ўзаро боғлиқ йўналишларини эътиборга олмасдан амалга оширилмоқда ҳамда барча ҳолларда ҳам қўтилган самарани бермапти.

(Давоми 2-бетда)

## ТЕРАН ТАҲЛИЛИЙ-ТАНҚИДИЙ МУШОҲАДА АСОСИДА

Тошкент шаҳрида халқ депутатлари Олмасор тумани Кенгашининг кенгайтирилган сессияси бўлиб ўтди.

Унда парламент ва ҳукумат аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнь куни Олмасор туманига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Давлат раҳбарининг туман фаоллари билан йўналтирилган берган топшириқлари ижроси юзасидан сессияга тайёрларлик кўриш бўйича Олий Мажлис палаталари ҳамда ҳукумат томонидан тегишли "Йўл хариталари" тасдиқланган эди. Уларга асосан тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган тақдимотлар ва ахборотлар халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларига ҳавола этилди.

Таъкидланганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсадлар рўйбга қаратилган таҳрир давомида давлат раҳбари томонидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига туманда мисли кўрилмаган тараққиёт даражасини таъминлашга хизмат қиладиган вазифалар юклатилди. Ўз навбатида, парламент, маҳаллий депутатлик корпуси ҳамда жамоат ташкилотларига мазкур вазифалар ижроси юзасидан таъкидланган парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш вазифаси топширилди.

Сессияда сўзга чиққанлар туманга инвестициялар жалб этиш, кичик саноат зоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, ушбу йўналишда "Узелтэхсанот" акциядорлик компанияси, "Ўзтўқимачиликсаноат", "Ўзчармасаноат" уюшмалари, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги зиммасига Олмасор туманида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш вазифаси юклатилган эди. Унинг амалга оширилиши юзлаб янги иш ўринларининг очилишига, пировардида, ҳудуд ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилиши мукорарлиги кайд этилди. Йўналишда мазкур инвестицион дастурлар юзасидан мутасадди ташкилотлар тақдимотлари эшитилди.

Сессияда Олмасор туманида коммунал соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган камчиликларни бартараф этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Айниқса, кўп қаватли уйлардаги канализация тармоқларининг аҳоли, чиқиндиларни тўшлаш ва олиб чиқиш билан боғлиқ муаммолар, ободонлаштириш борасидаги жиддий камчиликлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани кайд этилди.

Шу билан бирга, туманда аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида иш ўринлари тўғрисидаги ҳисоботларга қўшиб ёзиш, нотўғри маълумотлар киритиш, мавсумий иш ўринларини яратиш ҳамда ишга жойлашганларга ушбу иш ҳақининг кам белгиланиши каби салбий ҳолатлар ҳамон кузатилаётганига эътибор қаратилди.

Сессияда туманда тиббий хизматнинг аҳоли, мактабга таълим ва умумий ўрта таълим тизимидаги масалалар ҳам атрофида кўриб чиқилди. Муҳокама жараёнида ушбу соҳалардаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан уй-жой коммунал хўжалиги, бандлик ва меҳнат муносабатлари, соғлиқни сақлаш, мактабга таълим ҳамда халқ таълими вазирларининг тақдимот ва ахборотлари тингланди.

Туманининг бугунги ва истиқболдаги тақдири учун ҳал қилувчи куч бўлган ёшларни тарбиялаш, уларнинг беқийс куч ва имкониятларини энг мақсадлар рўйбга тўлиқ сафарбар этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш масаласи доимий диққат марказида бўлиши зарур. Бу борада муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, натижалардан қаноат ҳосил қилиб бўлмағли алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН – ШВЕЙЦАРИЯ: ФАОЛ БОСҚИЧГА ЎТАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцария федерал иқтисодиёт, таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Йохан Шнайдер-Амман бошчилигидаги делегация аъзолари пойтахтимизда ташкил этилган Ўзбекистон – Швейцария бизнес форумида тегишли вазирликлар, қўмиталар, Савдо-саноат палатаси, банк-молия институтлари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, ишбилармонлар билан мулоқотда бўлди.

Бу йил Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганига чорақ аср тўлди. Утган мuddат давомида мамлакатимизда Швейцария ҳукумати билан биргаликда 33 лойиҳа амалга оширилди. Айни вақтда ушбу давлат инвестицияси иштирокида иқтисодиёт, молия, таълим ва банк тизимида, тадбиркорлик, ҳодимлар маънавиятини ошириш ва сув таъминоти соҳаларида 7 қўшма лойиҳа амалиётга татбиқ этилмоқда. Юртимизда швейцариялик инвесторлар иштирокида тузилган 84 қўшма корхона фаолият юритмоқда, уларнинг 29 таси 100 фоиз чет эл сармояси асосида ташкил этилган. Мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмаси йилга ўртача 200 миллион долларни ташкил этмоқда.

Бизнес форум очилишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Ботир Ҳўжаев, Швейцария федерал иқтисодиёт, таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Йохан Шнайдер-Амман шулар ҳақида сўз юритиб, мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида сиёсий-ҳуқуқий, савдо-иқтисодий ва банк-молия соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар натижасида хорижий сармоядорлар учун янада қўлай муҳит яратилганини алоҳида таъкидлади.

Бизнес форумда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича вице-президенти Сирил Мюллер ҳам иштирок этди. У сўнгги 18 ойда Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати янада эркинлашгани, хусусан, банк-молия, солиқ тизимидаги ўзгаришлар, эркин конвертациянинг йўлга қўйилгани мамлакат иқтисодий имиджини оширганини кайд этди.

– 2015 йилда Жаҳон банки рейтингига қўлай бизнес муҳити бўйича Ўзбекистон 100 ўринни эгаллаган бўлса, бугун бу кўрсаткич 74 га тенглашди, – деди у. – Икки йилда 26 поғона ўсиш жуда яхши кўрсаткич бўлиб, хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим омил бўлади.

(Давоми 2-бетда)



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида Европа стандартлари асосида тўқимачилик жиҳозлари учун бутловчи қисмлар ва металл конструкциялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Metal Processing" қўшма корхонаси иш бошлади, дея хабар беради ЎзА.



## МЕТАЛЛНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири Ботир Ҳўжаев, Швейцария федерал иқтисодиёт, таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Йохан Шнайдер-Амман бошчилигидаги делегация, туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Янги корхонада 35 киши иш билан таъминланди. У тўла қувват билан иш

бошлагач, мутахассислар сони 60 нафарга етиб, йилга 760 тонна металлни қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади. Енгил саноат корхоналари учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан шугулланадиган мазкур завод келгусида талабга қараб бошқа соҳалар учун ҳам зарур деталлар ишлаб чиқаради.

– Замонавий металл қайта ишлаш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга, – дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи У.Варҳобов. – Ушбу технологик тизим 1 дан 12 миллиметргача бўлган металл листларга турли шаклда ишлов бериш имкониятига эга. Корхонамиз биринчи босқичда 600 турдаги, тўлиқ ишга туш-

гач эса 1 минг 24 турдаги детални тайёрлашга ихтисослашади.

Ҳозир заводда 6 та махсус бўлим фаолият юритмоқда. Жумладан, тайёрлов қисми, юқори сифатли лазерда кесил, пайвандалаш, кукунли бўяш тизими ва сифат назорати каби бўлимларда иш қизғин. Лойиҳа биринчи навбатда ички бозор эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган. 2020 йилдан экспортни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Тадбир якунида "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ва "Rieter Group" компанияси ўртасида Ўзбекистон енгил саноат тармоғи корхоналарига корпоратив менежментни жорий этиш бўйича меморандум имзоланди.

А.МУСАЕВ



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий давлат қончилиқ институтини "Оқ йўл сизга, битирувчилар!" деб номланган тадбир ўтказилди. Унда профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

• Термизда Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти товар ишлаб чиқарувчиларининг кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Тадбир доирасида икки вилоят тадбиркорлари ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан манфаатли шартномалар тузади. "Termez Cargo Centre" логистика марказида бўлиб

ўтадиган бизнес форумда иштирок этади. Сурхондарё вилоятидаги замонавий корхоналарда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишади. Воҳанинг тарихий обидалари ва муқаддас қадимжоларини зиёрат қилади.

• Инвестициявий шароитлар билан танишиш, ҳамкорлик шартномалари тузиш мақсадида бир қатор йирик хорижий компаниялар вакиллари Жиззах вилоятига ташриф буюрди. Буюк Британия, Италия, Озарбайжон ва Қозоғистон давлатларининг етакчи иқтисодий тармоқлари ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси вакиллари билан иборат ишбилармонлар икки кун давомида "Жадал ҳамкорлик" шиори остида ташкил этилган учрашув ва тадбирларда иштирок этди.

• Навоий вилоятида "Тоza худуд" давлат унитар корхонаси Нурота тумани филиалининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур объект 600 миллион сўм маблағ эвазига "Ашраф" хусусий корхонаси томонидан бунёд этилди.

## ЖАҲОНДА

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Болаларни қуролли тўқнашувлар вақтида ҳимоя қилиш чоралари бўйича резолюцияни бир овоздан қабул қилди. Мазкур ҳужжат ушбу ойда Хавфсизлик Кенгашига раислик қилувчи Швеция томонидан тақлиф қилинган. Ҳужжатга кўра, зиддиятга иштирок этаётган барча томонлар болаларга хавфсиз, ўз вақтида ва тўққонсиз гуманитар ёрдам кўрсатишини таъминлаш зарур. Мактаблар ва шифохоналарга ҳужумлар ҳамда таҳдидлар қатъиян ман этилади.

• Туркиянинг Антарктикада илмий база яратишни режалаштираётгани маълум қилинди. Лойиҳа 2019 йилда амалга оширилади. Мазкур илмий база ёрдамда Туркия Антарктикада кутб станциясига эга давлатлар қаторига қўшилади. Олдинроқ мамлакатнинг фан, саноат ва технологиялар вазири Фарук Ҳўлу ушбу лойиҳада Туркия ИИВ ва Истанбул техника университети иштирок этишини маълум қилди.





